

11-01/57-son

1 iyul 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2026 йил 26 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Н. Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси ва кенгаш аъзолари, депутатлар, вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, вилоят прокурори, Ички ишлар, Адлия бошқармалари раҳбарлари, Навоий шаҳар ҳокими, ўринбосарлари, шаҳар ташкилотлари масъуллари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

Навоий шаҳрида Давлат Раҳбари ва Ҳукумат томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижро ҳолати, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан шаҳар раҳбарияти томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги вазифалар тўғрисида

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, Э.Фаффоров, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, А.Муллажонов, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Қ.Ражабов, Н.Сафоев, Ж.Қаландаров, Д.Эргашев, шаҳар ҳокими ўринбосарлари, шаҳар ташкилотлари раҳбарлари, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган йиғилишларда берилган топшириқлар ижро ҳолати таҳлил қилиниб, бу борада шаҳар ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисобот эшитилди.

Бу борада Навоий шаҳрида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз эканлиги, ҳоким ва ўринбосарлари томонидан қўйилган вазифалар билан етарлича шуғулланилмаганлиги ва вазифалар ижроси ташкил қилинмаганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Шундан келиб чиқиб, Навоий шаҳар ҳокими Д.Эргашевга Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ўтказилган йиғилиш ва тақдимотларда ҳокимликларга белгилаб берилган ҳар бир вазифалар ва топшириқлар ижросини самарали ташкил қилиш, белгиланган муддатда ва сифатли тарзда ижросини таъминлаш юзасидан муддати ва масъулларини белгилаган ҳолда “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, ижрога қаратиш вазифаси топширилди.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари (Сулаймонов, Ғаффоров, Ходжаев, Ниёзов, Мирзаев, Мамадиярова)ларга ўз йўналиши бўйича Навоий шаҳри бўйича белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ишларга амалий кўмак бериб, кунлик сўров ташкил қилиш вазифаси белгилаб берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров) ва Навоий шаҳар ҳокимлиги (Эргашев, Мирзаев)ларга 2027 йилда ўтказиладиган халқаро Инвестиция форумига тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаб, истиқболли инвестиция лойиҳалари портфели шакллантириш, инвесторлар билан учрашиб, уларнинг муамоларини ҳал қилган ҳолда инвестицияларни кўпайтириш чора-тадбирларини кўриб бориш белгилаб берилди.

Шулар билан бирга, Навоий шаҳар ҳокими Д.Эргашевга:

бугунги йиғилишда қайд этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича манзилли “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш бўйича кунбай иш ташкил қилиш;

мурожаатлар билан ишлаш, хусусан Давлат Раҳбарининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар билан шу куннинг ўзидаёқ ижросига киришиш, ҳоким ўринбосарлари томонидан шахсий ва сайёр қабулларни ўз вақтида ўтказилишини ташкил қилиш, “Халқ назорати” платформаси орқали келиб тушган мурожаатларни кечиктирмасдан ижросини таъминлаш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 июлдаги ПФ-117 сон Фармонига асосан, келиб тушган топшириқлар ижроси муҳокамаси ҳар ҳафта душанба ҳоким ҳузурида, жума куни биринчи ўринбосар ҳузурида муҳокама этиб бориш тизимига қатъий риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли ҳамда 2026 йил 11 февралдаги ПҚ-58-сонли қарорларида белгилаб берилган топшириқларни сўзсиз ва охиригача таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

ҳоким ўринбосарлари билан биргаликда жорий йилнинг 1-ярим йиллиги учун шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича белгиланган прогноз-топшириқлар ижросини тўлиқ бажариш;

туризм, рақамлаштириш ва сунъий интелектни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш вазифалари топширилди.

Булардан ташқари, йиғилишда қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳар бир ҳоким ўринбосарларига топшириқлар ва муддатлар белгилаб берилди ва уларнинг бажарилишини кунлик назорати вилоят ҳокими ўринбосарларига юклатилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибияти (Ҳамроев)га ўн беш кундан кейин ушбу топшириқлар ижросини қайта ўрганиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш топширилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Навоий шаҳрида Давлат Раҳбари ва Ҳукумат томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий шаҳрида Давлат Раҳбари ва Ҳукумат томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижро ҳолати, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги **етарли эмас деб топилсин.**

2. Навоий шаҳар ҳокими **Д.Эргашев:**

бир кун муддатда шаҳар ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, шаҳар ташкилотлари раҳбарлари билан ижро интизомини мустаҳкамлаш, Давлат Раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифа ва топшириқлар ижросини ўз муддатида ва сифатли тарзда бажариб бориш, 2026 йил 1-ярим йиллик учун белгиланган прогноз-топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ташкил қилиш масалалари бўйича гаплашиб, уларнинг **шахсий масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, виждонан бажарилиши, ишларни самарали ташкил қилиниши** бўйича зарурий чора-тадбирлар белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган йиғилишларда берилган топшириқлар ижро ҳолатини таҳлил қилиниб, уларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, кечиктирмасдан ва сифатли тарзда бажариб борилишини таъминласин.

Бу борада жорий йил бошидан буён ўтказилган қуйидаги йиғилишларда берилган топшириқ ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

2026 йил 15 январь куни “Ташқи иқтисодий алоқалар” масаласи бўйича;

2026 йил 27 январь куни “Хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш масалалари” бўйича;

2026 йил 13 февраль куни “2025 йил якунлари ва 2026 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш” бўйича;

2026 йил 23 февраль куни “Энергетика соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш чора-тадбирлари” бўйича”

2026 йил 24 февралда “Ёшлар билан учрашув ва уларнинг муаммолари билан ишлаш масалалари” бўйича;

2026 йил 5 март куни “Фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илғор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш” масалалари бўйича;

2026 йил 13 март куни “Мурожаатлар билан ишлаш, Халқ қабулхоналари фаолияти” бўйича;

2026 йил 30 март куни “2026 йил биринчи чораги якунлари бўйича иқтисодий кўрсаткичлар прогнозини таъминлаш” бўйича;

2026 йил 16 март куни “Тоғ-кон саноатини ривожлантириш масалалари” бўйича;

2026 йил 7 апрель куни “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан ўтказилган йиғилиш” бўйича;

2026 йил 14 апрел куни “Урбанизация, уй-жой фонди ва қурилишлар масалалари” бўйича;

2026 йил 15 апрель куни “Энерготехкорлик, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари” бўйича;

2026 йил 23 апрель куни М.Улуғбек утмани мисолида хавфсиз шаҳар, маҳаллаларни ривожлантириш масалалари” бўйича;

2026 йил 24 апрель куни “Ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чорак таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар “ бўйича;

2026 йил 30 апрель куни “Сунъий интеллект ва рақамлаштириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар” бўйича;

2026 йил 12 май куни “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш масалалари” бўйича;

2026 йил 25 май куни “Сув фонди ерлари ҳамда сел сувларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” бўйича

2026 йил 1 июнь куни “Маданият ходимлари билан ўтказилган учрашувда берилган топшириқлар” бўйича;

2026 йил 2 июнь куни “Чирчик технопаркида ташриф давомида кимё саноатини ривожлантириш” бўйича;

2026 йил 25 июнь куни “Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш” бўйича.

3. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров, Ходжаев, Ниёзов, Мирзаев, Мамадиярова**) ўз йўналиши бўйича Навоий шаҳри бўйича белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ишларга амалий кўмак бериб, **кунлик сўров** ташкил қилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**), Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев, Мирзаев**) 2027 йилда ўтказиладиган **халқаро Инвестиция форумига** тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаб, истиқболли инвестиция лойиҳалари портфели шакллантириш, инвесторлар билан учрашиб, уларнинг муамоларини ҳал қилган ҳолда инвестицияларни кўпайтириш чора-тадбирларини кўриб борсин.

5. Навоий шаҳар ҳокими **Д.Эргашев:**

бир кун муддатда бугунги йиғилишда қайд этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича манзилли **“Йўл харитаси”ни** ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш бўйича кунбай иш ташкил қилиш;

мурожаатлар билан ишлаш, хусусан Давлат Раҳбарининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар билан шу куннинг ўзидаёқ ижросига киришиш, ҳоким ўринбосарлари томонидан шахсий ва сайёр қабулларни ўз вақтида ўтказилишини ташкил қилиш, “Халқ назорати” платформаси орқали келиб тушган мурожаатларни кечиктирмасдан ижросини таъминлаш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 июлдаги ПФ-117 сон Фармонида асосан, келиб тушган топшириқлар ижроси муҳокамаси **ҳар ҳафта** душанба ҳоким ҳузурида, **жума кун** биринчи ўринбосар ҳузурида муҳокама этиб бориш тизимига қатъий риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги **ПҚ-430-сонли** ҳамда 2026 йил 11 февралдаги **ПҚ-58-сонли** қарорларида белгилаб берилган топшириқларни сўзсиз ва охиригача таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

ҳоким ўринбосарлари билан биргаликда жорий йилнинг 1-ярим йиллиги учун шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича **белгиланган прогноз-топшириқлар** ижросини тўлиқ бажариш;

туризм, рақамлаштириш ва сунъий интелектни ривожлантириш ҳамда жинойтчиликни камайтириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш вазифалари топширилсин.

6. Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**), ҳокимнинг биринчи ўринбосари (**Ҳақбердиев**)ларга:

- жорий йилнинг 1-ярим йиллигида саноат бўйича 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 125,6 фоиз, қурилиш ишлари бўйича 113,5 фоиз ўсишни таъминлаш,
- 2350 та доимий иш ўринлари яратиш;
- 7924 нафар аҳоли "лойиҳавий ёндашув" ва инфратузилма лойиҳалар бўйича даромадини ошириш;
- 15472 та норасмий иш ўринларини соядан чиқариш;
- шаҳардаги 7 та корхона томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,1 трлн сўмга ҳамда 29 та корхона томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини 127,8 млрд сўмга камайтириб юборилган ҳар бир корхона билан индивидуал шуғулланиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилган ҳолда, ўсиш суръатларини таъминлаш;
- шаҳардаги бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган 1243 та кичик бизнес субъектлари фаолиятини тиклаш (ёки қонунчилик доирасида тегишли чора-тадбирлар белгилаш) ҳамда бошқа ҳудудларга кўчиб кетган тадбиркорларга етарлича шароит яратиш уларни қайтариш чораларини кўриш;
- бириктирилган масъуллар билан биргаликда шаҳардаги 20 та маҳалладаги камбағал оилаларни доимий ишга жойлаштириш;
- 13 та маҳалладаги камбағал оилаларга бирорта ҳам имтиёзли кредит ажратилмаганлигини инобатга олиб, уларга молиявий ресурслар ажратилишини ташкил қилиш;
- 21 та маҳаллада камбағал оила аъзоларини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича ишлар умуман йўлга қўйилмаганлигини инобатга олиб, ўқитиш ишларини ташкил қилиш;
- камбағал оилаларнинг даромадларини ошириш мақсадида субсидия ва ссуда ажратиш;
- ижтимоий реестрга киритилган 130 та камбағал оилалар бўйича индивидуал режалар тузиш;
- қайта камбағаллик реестрига тушган 248 та оилалар ҳамда шаҳардаги 8 та маҳаллада камбағаллик даражаси юқори бўлган, жумладан "Янги Обод", "Кимёгар", "Тинчлик", "Жанубий", "Ишонч", "Бунёдкор", "Гулистон" ва "Янгиариқ" маҳаллалари бўйича бириктирилган масъуллар томонидан олиб борилаётган ишларни ҳар ҳафтада камида икки маротаба муҳокама қилиб, зарурий чора-тадбирлар кўриб бориш;
- 61 млрд сўм муаммоли кредитларни сўндириш масалалари бўйича жиддий шуғулланиш вазифалари топширилсин.

Назорат ва кунлик сўров **Р.Сулаймоновга**.

7. Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**), ҳокимнинг инвестиция масалалари бўйича ўринбосари (**Мирзаев**)ларга:

- жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 58,7 млн долларлик хорижий инвестицияларни жалб қилиш, 36,4 млн долларлик экспорт қилиш режасини сўзсиз бажариш;

- 2027 йилда ўтказиладиган халқаро Инвестиция форумига тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаб, истиқболли инвестиция лойиҳалари портфели шакллантириш;

- шаҳардаги бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган 126 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар билан бирма-бир учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, республика билан боғлиқ масалалар бўйича вилоят ҳокимлигига таклиф киритиш;

- маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун қўшимча лойиҳалар таклифини бериш;

- 717 та маҳаллий корхоналарни электрон кооперация порталидан рўйхатдан ўтказдириш;

- электрон савдоларда иштирок этиш учун “маҳаллий ишлаб чиқарилган товар” сертификатини олишга кўмаклашиш вазифалари топширилсин.

Назорат ва кунлик сўров **Э.Ғаффоровга**.

8. Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**), ҳокимнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари (**Ёрқулов**)ларга:

- шаҳардаги ҳар бир мактабгача таълим ташкилотларига кириб чиқиб, уларнинг қонунчилик талаблари асосида фаолият олиб боришларини таъминлаш;

- умумтаълим мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини шахсан назоратга олиш;

- шаҳардаги 2 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни бандлигини таъминлаш;

- шаҳардаги 13 та инклюзив мактабларда тўсиқсиз муҳит яратиш ва коррекцион хоналарни талаб даражасида жиҳозлаш;

- шаҳардаги профессионал таълим муассасаларида дуал таълим билан қамраб олиш кўрсаткичини яхшилаш;

- шаҳардаги техникумларни 2025 йилда битирган 1248 нафар битирувчиларнинг бандлиги таъминлаб, солиқ идоралари билан солиштириб бориш;

- Миллий банк ва Алоқа банк раҳбарлари билан биргаликда ёшларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилишини ташкил қилиш;

- шаҳардаги 2 658 нафар олий таълим битирувчилари бандлигини таъминлаш;

- ёшлар жиноятчилигини камайитириш бўйича Ички ишлар, маҳалла ва тегишли тузилмалар билан биргаликда конкрет чора-тадбирлар кўриш;

- оналар ва кўдаклар ўлимини олдини олиш бўйича барча зарурий чора-тадбирлар кўриш;

- шаҳардаги тиббиёт муассаларини талаб даражасида фаолият олиб борилишини таъминлаш;

- 1-сон ва 2-сонли спорт мактаблари фаолиятини тўғри ва тўлиқ йўлга қўйилишини таъминлаш, улардаги камчиларни бартараф этиш, мусобақаларда иштирокига муносиб шароит яратиш;

- “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган спорт мусобақаларида Навоий шахрининг муносиб иштирокини таъминлаш вазифалари топширилсин.

Назорат ва кунлик сўров **Ж.Ходжаевга**.

9. Навоий шаҳар ҳокими (Эргашев), ҳокимнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари (Турсунов)ларга:

- шаҳарда янгидан қурилаётган уй-жойларда олиб борилаётган ишларни жадаллаштириб, уларни ўз вақтида ва сифатли тарзда ишлар бажарилишини қатъий назоратга олиш;

- “Драйвер” лойиҳалар сифатида танланган Навоий шаҳар “Фаровон” МФЙ М.Таробий кўчаси ва “Ишонч” МФЙ А.Навоий кўчалари бўйлаб сайилгоҳларни ташкил этиш лойиҳаси бўйича қурилиш ишларини бошлаш;

- ичимлик суви етказиб бериш хизматидан юзага келган 9,5 млрд сўм қарздорликни бартараф этиш. Бу борада қарздорлик юқори бўлган “Турон”, “Гулзор”, “Бинокор”, “Ўзбекистон”, “Гулистон” маҳаллалари, “Элкимё - сув таъминот” МЧЖ, “Лайло улгуржи савдо” МЧЖ, “Орзулар макони томарқа хизмати” МЧЖларнинг қарздорлигини сўндиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- электр энергияси истеъмолидан ҳосил бўлган 1,8 млрд сўм дебитор қарздорлик ундириш. Бу борада катта қарздорликга эга “Навоий ишонч гиламлари” МЧЖ, “Гулбод Навоий” МЧЖ, “Навоий инновацион коммунал сервис” МЧЖ, “Жанубий” МФЙ, “Бунёдкор” МФЙ, “Боғишамол” МФЙларга алоҳида эътибор қаратиш;

- табиий газ истеъмолидан мавжуд 8 млрд сўм дебитор қарздорликни ундириш;

- чиқиндиларни олиб чиқишдан ҳосил бўлган 4,4 млрд сўм қарздорликни ундириш;

- бошқарув ташкилотлари томонидан кўп қаватли уйларга кўрсатилган 8,5 млрд сўмлик дебитор қарздорликни ундириш;

- шаҳардаги бошқарув ташкилотларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлини кунлик муҳокама қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш;

- кўп қаватли уйлар, кўчалар, ишхоналар атрофлари, маҳалларнинг ободонлаштириш ишларини кунлик назоратга олиш;

- шаҳардаги дам олиш масканлари, парклар, боғлар ва улар атрофларидаги кўп йиллик дарахтларни суғорилишини алоҳида назоратга олиш вазифалари топширилсин.

Назорат ва кунлик сўров **А.Ниёзовга**.

10. Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**), ҳокимнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари (**Рахимова**)ларга:

- хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланиш, жумладан соҳа бўйича белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича ҳар уч кунда ҳоким ўринбосари билан биргаликда муаммоларни кўриб чиқиш;

- оилавий ажримлар, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлар олдини олиш;

- профилактик ҳисобга олинган аёллар билан индивидуал шуғулланиш;

- хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий муаммолар билан ишлаш дастурларини маҳаллабай ташкил қилиш;

- хавф гуруҳидаги 274 нафар ўсмир қизларнинг оила турмуш шароитини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал қилиш дастурини якунига етказиш;

- хотин-қизлардан келиб тушган 185 та мурожаатларни ижобий ҳал қилиш вазифалари топширилсин.

Назорат ва кунлик сўров **М.Мамадияровага**.

11. Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибияти (**Ҳамроев**) ўн беш кундан кейин жорий йилнинг 26 июнида “Навоий шаҳрида Давлат Раҳбари ва Ҳукумат томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижро ҳолати, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан шаҳар раҳбарияти томонидан кўрилаётган чоратадбирлар натижадорлиги”га бағишлаб ўтказилган йиғилишда берилган ҳамда ушбу баённомада белгиланган вазифалар ижросини қайта ўрганиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритсин.

12. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



С. Қодиров